

Ойлик мавзу: Ўзбекистон менинг Ватаним

Гуруҳ:		_____Кичик гр_____номли гуруҳ_____						
Хафта мавзуси		Мен ва менинг оилам						
Давр		Сентябр ойининг 3 ҳафтаси						
Ривожланиш сохалари бўйича мақсадлар		Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларга ўзидан кейин ўйинчоқларни йиғиштириш, хона тозаллигини сақлаш, катталар ва ўртоқлари билан ўзаро одоб ахлоқ қоидалари асосида ўзаро мунасабатда бўлишга йўналтириш.					
		Ижтимоий-хиссий ривожланиш	Оиласига нисбатан қизиқиш,оила аъзоларини билиши					
		Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Суратда кўрган нарсани айтиб бериш. Катталарнинг турли саволларига жавоб бериши					
		Билиш жараёнининг ривожланиши	Предметларни номлаш ва билиш жонли нарсаларга қизиқиш, катта ва кичикни фарқлаши.					
		Ижодий ривожланиш	Табиат рангларидан завқланиш, ўзларининг кийимлари, ўйинчоқларини рангларини фарқлаши					
Ривожланиш марказлари			Таълим-тарбиявий фаолият					
			Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика маркази						Менинг кроватим	қурилиш материаллари, катта ҳажмдаги пластмасса ғиштчалар, лево ва бошқалар, турли хилдаги рангли шакллар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш		Сюжетли-ролли ўйин”Меҳмон-меҳмон”					Ўйин учун жиҳозлар
	Нутқ ва тил					“Менинг оилам”		Оила мавзусидаги суратлар
	Фан ва табиат				Балиқ билан таништириш			Мавзуга мос суратлар, аквариум ва балиқлар
	Санъат маркази		Расм.Сочикни безаш	Лой. Оилам учун совға. (ихтиёрий)	Расм. Балиқ	Елимлаш. “Аквариумдаги балиқлар” жамоа иши		Лой, доска, лой учун пичоқча,салфетка,бўёқ, чўтка, сув учун идиш, оқ қоғоз, рангли қаламлар, рангли қоғоз, елим.
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш							

Сентябрь ойи 3-хафта

Хафта мавзуси: Мен ва менинг оилам

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази.

“Мехмон-мехмон”ўйини.

Мақсад:Бошқаларга нисбатан хурматли, эътиборли бўлишни ўрганади, дастурхон безатишни биладилар.

Керакли жиҳозлар: Хонтахта, кўрпача, идиш-товоқлар, ноз-неъматлар.

Фаолиятни бориши:

1. Мехмон кутиш учун керакли нарсаларни ажратиб олиш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Ўйин қоидалари билан танишиш.
4. Ўйин жараёнида роллар билан алмашиш.
5. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм:Болаларга ўртоқларига нисбатан илиқ, мулойим сўзларни айтишни таклиф эти (рахмат, марҳамат, илтимос, хуш келибсиз ва х.к).

Эътиборга молик жиҳат:

1. Жамоада бирга ўйнаш қобилиятини шакллантириш.

Санъат маркази:

Расм: “Сочикни безаш”.

Мақсад:Сочик безашни ўрганади, қалам ёрдамида мустақил расм чизиш кўникмалари шаклланади, рангларни танлай олади, қўл моторикаси ривожланади.

Жиҳозлар ва материаллар: сочик шакли туширилган қоғоз, рангли қаламлар, салфеткалар,сочикларнинг расмлари.

Фаолиятни олиб борилиши:

1. Сочикларнинг расмларини томоша қилиш.
2. Намунани кўради.
3. Расм чизишнинг кетма-кетлигини режалаштириш.
4. Болаларнинг ижодий ишлари.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм:Болалар расмларидан кўргазма ташкил қилиш.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Тартибли ва гигиеник талабларга мос ишлашга ўргатиш.

Санъат маркази:

Лой: “Оилам учун совға” ихтиёрий.

Мақсад: Бир бўлак лойдан турли хил усуллардан фойдаланиб ясашга ўрганади, Оиласига хурмат хисси уйғонади.

Жихозлар ва материаллар: рангли пластилинлар, тахтачалар, совға учун намуналар, салфеткалар,

Фаолиятни олиб борилиши:

1. Болалар ким учун совға тайёрлашни айтишади.
2. Намуна ва соғалар билан танишади.
3. Совғалар учун рангларни танлаш ва ишчи зонани тайёрлаш.
4. Совға ясаш.
5. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Ясаган совғаларини оила аъзоларига совға қилишни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жихати: ижодий тасаввурларини шакллантириш ва майда моторикани ривожлантириш.

Фан ва табиат маркази.

“Аквариумдаги балиқ билан таништириш”.

Мақсад: Аквариумдаги балиқлар номини тушунади, уларни парваришлашни ўрганади.

Керакли жихоз ва материаллар.

Аквариумда балиқлар, балиқларнинг суратлари, улар учун озуқа, қармоқ, болалар учун сув ости ўйинчоқлари.

Фаолиятнинг бориши.

1. Аквариумдаги балиқларни кузатиш.
2. Балиқларни шакли, ранги, кўзи, оғзи, қанотларини аниқлаш.
3. Балиқларни номи билан танишиш.
4. Уларни озуқлантириш.
5. Балиқлар дарё ва денгизларда ҳаёт кечиришини суратларда кўриш.

Қўшимча қисм: “Балиқчани тут” магнитли ўйинини таклиф этиш.

Эътиборга молик жихати: Болаларни табиатга бўлган қизиқишларини ошириш..

Санъат маркази:

Расм: “Балиқ”.

Мақсад: Қўл маторикаси ривожланади, мўйқаламдан фойдаланиб чизиш кўникмасини эгаллайди, бўёқлардан тўғри фойдалана олади.

Жихозлар ва материаллар: Балиқларни суратлари, ҳаво ранг фонли қоғоз, мўйқаламлар, акварел бўёқлари.

Фаолиятни олиб борилиши:

1. Аквариумдаги балиқларни томоша қилиш.
2. Балиқларни суратини томоша қилади.
3. Намунани кўздан кечириш
4. Расм учун рангли бўёқларни танлаш.
5. Болаларнинг амалий ишлари.
6. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Аквариумдаги балиқларни биргаликда овқатлантиришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жихати: Мустақил ишлаш қобилияти

Нутқ ва тил маркази.

“Менинг оилам”

Мақсад: Нутқ бойлигини ўстириш, мантиқий фикрлаш ривожланади, оиласидан фахрланиш туйғуси шаклланади. Фаол суҳбатга киришади.

Жихозлар ва материаллар: Оилавий альбомдан фотосуратлар.

Фаолиятни олиб борилиши:

1. Оилавий альбомдаги фотосуратни кўриб чиқиш.
2. Оила аъзолари билан ўртоқларини таништириш.
3. Менинг оилам мавзусида гап тузиш.
4. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: “Менинг оилам” бармоқли ўйин.

Эътиборга молик жихати: Оилага ва оилавий қадриятларига муҳаббат ҳиссини шакллантириш, дўстини тинглашни билиши.

Санъат маркази:

Аппликация. “Аквариумдаги балиқлар” жамоа иши.

Мақсад: елимдан тўғри фойдаланади, рангли қоғозларни мавзуга мослаб танлайди, жамоада ишлайди.

Жихозлар ва материаллар: ҳаво рангли қоғоздан аквариум шакли, елим, рангли қоғозлардан балиқчалар шакли, балиқларни суъратлари.

Фаолиятни олиб борилиши:

1. Аквариумдаги балиқлар суъратлари билан танишиб чиқиш.
2. Намуна кўриш.
- 3 . Ишни жамоа бўлиб бажариш
3. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм:Олтин балиқ мультфилмини томоша қилишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жихати: Жамоавий меҳнат маҳсулотларини яратишга ўргатиш.